2014 й. №1 26.I.VI.

# 2014 йил – «Соғлом бола йили»

Huquq
Mustaqillik huquq demakdir
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI
1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2014-yil 2-yanvar, №1 (886)

Мустақиллик майдони



# Эртаклар шаҳарчасининг мўъжизавий жозибаси

***Мустақиллик майдонида бўлаётган Янги йил байрами тантаналари қордек оппоқ тилакларимиз, покиза орзу-ниятларимиз, болажонларнинг беғубор, шодон кайфиятига ҳамоҳангдир.***

Мамлакатимизда инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, миллати, эътиқоди, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш Юртбошимиз томонидан барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир. Жонажон Ватанимизнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, соғлиқни сақлаш, илм-фан каби соҳаларда эришилган улкан ютуқ ва марралар, энг асосийси, жамиятимиздаги ўзаро аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда.

2013 йил мустақил Ўзбекистонимиз тарихи зарварақларида муҳташам иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, мактаблар, шифо масканлари, маърифат ва санъат масканлари қад ростлаган баракали йил сифатида муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Кириб келган 2014 йил эса халқимизнинг азалий мақсад-муддаоларига ҳамоҳанг тарзда «Соғлом бола йили» деб номланиши эзгу интилишларимизнинг ўзига хос мантиқий давомидир.

Ҳар янги йил арафасида барпо этилиши анъанага айланган Мустақиллик майдонидаги мўъжаз шаҳарчага кириб келган киши ўзини гўё эртакмонанд гўшага тушиб қолгандек ҳис этади. Бу ерда қад ростлаган улкан арча, айниқса, кичкинтойларга катта завқ-шавқ улашмоқда.

Майдондаги улкан саҳнада Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси актёрлари иштирокидаги "Қорбобога мактуб ёки кутилмаган меҳмонлар" номли театрлаштирилган томоша намойиш этилмоқда. Майдонга ўрнатилган икки улкан экраннинг бирида 2013 йил — «Обод турмуш йили»да жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар, бунёдкорлик одимлари, гўзал шаҳар ва қишлоқларимиз, ёш авлод келажаги йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр-эътибор намойиш этилса, бошқасида юртимиз аниматорлари томонидан ишланган мультфильмлар, майдонда ўтаётган байрам тадбирларини томоша қилиш мумкин.

Махсус ўрнатилган бошқа саҳнада Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси эстрада бўлимининг иқтидорли талабалари, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти, мумтоз ва эстрада йўналишида ижод қилаётган хонандалар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги танловларда ғолиб бўлган ижодкор ёшлар иштирокидаги концертлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Майдонда ташкил этилган савдо расталаридан кичкинтойлар учун ширинликлар, турли ўйинчоқлардан иборат совғалар харид этиш мумкин. Ўттизга яқин аттракцион, олтмишга яқин махсус ўйинлар қурилмалари ўғил-қизлар билан гавжум.

Оқшом тушгач, майдон янада фусункор қиёфа касб этади. Бадиий безаклар, лазерли технологиялар, иллюминацион чироқлар, махсус ёритиш эффектларидан киши қалбига янада кўтаринкилик, завқ инади. Майдонга туташ кўчаларнинг икки тарафи ўндан ортиқ бадиий эффект берувчи махсус чироқли қурилмалар билан жиҳозланган.

Муаззам майдонда куй қўшиққа уланади. Айни пайтда пойтахтимизнинг бошқа майдонларида ҳам Янги йил байрами томошалари давом этаётир.

**Ўз мухбиримиз**

***Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ўтган ҳар бир йил халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирди. 23 йил мобайнида юртдошларимиз катта ижобий ўзгаришларни бошдан кечирди. Йилларни сарҳисоб қиларканмиз, улар бамисоли карвондай тизилиб, ҳар бири ўз юки ва шукуҳи билан кўз ўнгимиздан ўтади. Ҳар бирининг ўз номи ва халқимизга армуғон этган ўз туҳфаси бор. Маънавий юксалиш, фаровон турмуш, ободончилик, шаҳарсозликдаги улкан ютуқлар истиқлол армуғонидир.***

# Фарзандлари соғлом юрт...

Хусусан, тарих зарварақларидан жой олган 2013 йил ўзининг ютуқларга бойлиги ва салоҳияти билан алоҳида кўзга ташланади. Муҳтарам Президентимиз томонидан "Обод турмуш йили" деб номланган 2013 йил ўз номига муносиб равишда мамлакатимизни обод гўшага айлантиришнинг ҳақиқий бурилиш даври бўлди. "Обод турмуш йили"да бажарилган ишлар ҳақида биргина кўрсаткич, яъни Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўлами қанчалар кенг ва улкан эканидан далолат беради.

Ватанимизнинг бугунги қиёфасини, архитектура ва иншоотсозликнинг тенгсиз намуналарини барпо этиш истиқлол йилларида бошланди, десак ўринли бўлади. Миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак мезонлари асосида қурилган Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Маърифат маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, "Бунёдкор" спорт мажмуаси каби иншоотлар фикримизнинг далилидир. Зеро, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур "Бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурган иморатларни келиб кўрсинлар", деганларида жуда катта маъно бор. Йилдан-йилга чирой очиб бораётган Тошкентимизнинг бугунги замонавий қиёфаси, бунёдкорликда буюк бобомиз изидан бориб амалга оширилган ишларнинг дебочасидир.

Ҳақиқий ободлик улуғвор мақсадлардан, моддий-маънавий асослардан бошланади ва рўёбга чиқади. Бугун нафақат республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри, балки вилоятлар марказий кўчаларидан тортиб биноларигача, чойхоналаридан тортиб ресторанларигача, гузарларидан тортиб марказий хиёбонларигача — ҳамма-ҳаммаси замонавий асосда қайта қурилмоқда ёки реконструкция қилиниб обод этилмоқда. Йигирма ва ҳатто ўн йил бурун ҳам бу қадар кўлами кенг бунёдкорлик ишларини тасаввур этиш қийин эди. Бугун истаган вилоятдан Тошкентдагидек шароитни, худди шундай хизмат ва сервис инфратузилмасини кўришингиз ва улардан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Мустақиллик йилларида Қарши шаҳри, унинг кўча ва хиёбонларининг қиёфаси янгича, замонавий кўриниш касб этди.

/Давоми 4-бетда/

Обуна — 2014

**2014 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта алоқаси бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.**



НАШР ИНДЕКСИ – 231

# Ёлланган абитуриентлар

*Айрим инсонлар борки, қинғир ишнинг қийиғи бир кун келиб фош бўлишини унутиб, "ким билиб ўтирибди" қабилида жиноятга қўл урадилар.*

**Комил ТАДЖИКУЛОВ,**
Олмазор туман прокурори
**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Нидиq»

Биз келтирмоқчи бўлган воқеа «қаҳрамонлари» — Фарид Омонов, Шуҳрат Йўлдошев, Эркин Абдумўминов, Руслан Тошев, Анвар Бобоев, Содиқ Ёвмутовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "бизнес"нинг янги турини ўйлаб топишади. Улар уюшган ҳолда жиноий режа тузиб, пойтахтимиздаги олийгоҳларга ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентларнинг орзуларини амалга ошириш учун ваъдалар беришади. Яъни улар ҳақиқий абитуриентларнинг ўрнига кириш тест имтиҳонларини топшириш учун бошқа шахсларни киритиш тўғрисида жиноий тил бириктиришади.

2012 йилнинг 20 июль куни уюшган жиноий гуруҳ аъзолари томонидан абитуриентлар — Н.Жабборов, З.Раджабов, Б.Ҳайдаматов, А.Шерназаров, А.Мирабдулло, А.Эралиев ва М.Хожиевларнинг фуқаролик паспортлари, ҳарбий гувоҳномалари, тиббий маълумотномалари ва ДТМ рухсатномаларидаги фотосуратларнинг ўрнига Тошкент Давлат юридик университети (олдинги Тошкент Давлат юридик институти)га кириш имтиҳонларини топшириш учун бошқа шахсларнинг фотосуратини қўйиш йўли билан ушбу расмий ҳужжатлар қалбакилаштирилади.

Фарид Омонов ҳамда Шуҳрат Йўлдошевларнинг кўрсатмасига кўра, 2012 йил 1 август куни фуқаролар Н.Жабборов, А.Эралиевлар ўрнига терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Али" исмли шахс, шунингдек, З.Раджабов ўрнига О.Бобоев, С.Ҳайдаматов ўрнига Э.Абдимўминов, А.Шерназаров ўрнига С.Ёвмутов ҳамда М.Хожиевнинг ўрнига Р.Тошевлар олийгоҳга кириш тест имтиҳонларини топширишади. Ҳақиқий билимларини синаб кўриш ўрнига, бир четда томошабин бўлиб турган ушбу абитуриентлар гўёки ўзлари тўплаган балл асосида Ўзбекистон Республикаси ДТМ қарорига кўра талабалар сафига қабул қилинадилар.

Биринчи ишни меъёрига етказиб амалга оширган жиноий гуруҳ энди талабалик сафига қабул қилинганларни олийгоҳнинг маъмурий биносига ДТМ рухсатнома варақаси билан тўсиқсиз кириб чиқишларини таъминлаш мақсадида яна қалбаки ҳужжатлардан фойдаланадилар. Улар қалбакилаштирилган рухсатномалар ўрнига имтиҳонга кирмасдан талаба бўлганларнинг фотосурати бўлган ДТМ рухсатномаларини тайёрлаб беришади.

Тергов давомида Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2012 йил декабрь ҳамда 2013 йил январь ва февраль ойларидаги хатшунослик экспертизаси хулосаларига кўра, олийгоҳ ректорининг номига ёзилган ариза бланкасидаги ёзувлар тўлдирилмаганлиги ҳамда имзолар бошқа шахслар томонидан қўйилганлиги аниқланган.

Судга оид 2013 йил 1 январдаги қўшимча техника экспертизасининг хулосасига кўра, Н.Жабборов, З.Раджабов, Б.Ҳайдаматов, А.Шерназаров, А.Мирабдулло, А.Эралиевлардан олиб қўйилган ДТМ рухсатномаси варақасида мавжуд бўлган абитуриентларнинг қўл ёзуви, босма ёзувлари ва фотосуратлари бирламчи ҳолатидан тозалаш йўли билан ўзгартирилганлиги маълум бўлди. Шу жумладан, М.Хожиевлардан олиб қўйилган ДТМ рухсатномасида мавжуд бўлган фотосурат бирламчи ҳолатидан тозалаш йўли билан ўзгартирилганлиги фош этилди.

Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан Фарид Омонов, Шуҳрат Йўлдошев, Эркин Абдумўминов, Руслан Тошев, Анвар Бобоев, Содиқ Ёвмутовларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

*Усуфжон Ҳусанов болалигидан шифокор бўлишни орзу қилар, оппоқ халат кийган шифокорларга ҳаваси келарди. Интилувчанлиги, изланувчанлиги сабаб, мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан тамомлади. Сўнг тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди. Ўз ишига садоқати, касбини чин дилдан севиши кўп йиллик фаолиятида ҳам кўзга ташланди. Эл орасида обрў-эътибор қозонди. Учқўрғон туманидаги Силга қарши курашиш диспансери мудири лавозими унга ишониб топширилганда эса Усуфжоннинг мавқеи янада ортди.*

# Оқ халатдаги «доғ»лар

**Муҳаммадали ҚИРҒИЗБОЕВ,**
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Лекин инсон табиати шуниси билан қизиқки, мисқоллаб йиғилган обрў-эътиборини бир неча сонияда қўлдан бой бериши, ўзига бўлган ишончни йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Очиқ тан олиш керак, айримларнинг кўзи очлик, бойликка ҳирс қўйиш одатлари бор. Бу йўлни ихтиёр этганларнинг охир-оқибат бошлари деворга бориб урилгандагина кўзлари очилади. Алқисса, "қаҳрамонимиз" ҳам ўзига берилган имкониятдан ўз манфаатлари йўлида фойдалана бошлади. Бундан мақсад битта: қўл остида 50 нафар ходим бор. Ўз ваколатидан фойдаланиб, хоҳласа уларни ишдан бўшатади, хоҳласа янгисини олади.

"Семизликни қўй кўтарар", деганларидек, мансаб Усуфжонни жуда кеккайтириб, талтайтириб юборган, кўнглига келган номаъқулчиликни қилишга ундарди. Табиийки, бундай пайтларда қўл остидаги ҳамкасблари бошлиқнинг кўнглига йўл топишига мажбур эдилар. Ахир бечоралар нима қилишсин, бошлиқ ҳар икки гапнинг бирида "ишдан бўшатаман", деб пўписа қилишини қўймаса...

Ишдан кетишни хоҳламаганлар бора-бора бошлиққа ёқиш учун ўзларини минг кўйга солишни, тез-тез унга алоҳида "учраб" чиқишни одат қилишди. Кўзини ёғ босган диспансер мудирига айнан шундай ҳаёт, келаётган жарақ-жарақ "соққа" керак эди. Бир муддат у ўзи орзу қилганидек яшади ҳам...

У.Ҳусанов физиофельдшер вазифасида ишлаб келаётган Ў.Қодировадан уни тўлиқ штатда қолдириш эвазига 100 минг сўм, зарарсизлантириш ҳамшираси Ф.Исмоиловадан худди шундай шарт билан 100 АҚШ доллари талаб қилади.

Ана шундай кунларнинг бирида у йиғилиш ўтказади.

— Ҳаммангизга маълум, ишхонамизга "сокрашения" келган, — дейди у муҳим хабарни эълон қилмоқчидек. — Агар 50 доллардан пул йиғиб берсанглар, физиофельдшерларнинг ишини ҳеч бўлмаганда 0,75 штатга келтиришга ҳаракат қиламан. Бунинг учун туман молия бўлимидагилар билан келишиб қўйганман.

Унинг бу шартидан боши қотган ходимларноилож айтилган пулни йиғиб беришга мажбур бўлишади.

Амал, мансаб ва мавқе аслида кимларгадир берилган катта имконият эмас, балки масъулият, синов ҳамдир. Буни тўғри англаганлар ўзлари бош бўлган жамоа олдида турган ҳар қандай муаммони виждонан бартараф этишга астойдил киришадилар. Айниқса, тиббиёт соҳаси жуда нозик, кишидан чидам ва бардош, фаҳм-фаросат, ақл-идрок талаб этади. Усуфжон эса ана шу меъёрни, одамийликни унутди. Энг ёмони, оиласи, яқинлари, 4 нафар фарзанди олдида ҳам мулзам бўлди, ҳам уларнинг бошини эгди.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", деганларидек, порахўрнинг танобини тортиб қўядиган адолатли қонунларимиз бор. Қинғир иш барибир бир кун ошкор бўлиши турган гап. Шу маънода, Усуфжон Ҳусанов ўзгаларнинг 945 минг 927 сўмга тенг 450 АҚШ доллари ва 420 минг сўм пулларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда айбланди ҳамда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд Жиноят кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, уни уч йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этди ҳамда 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Неча йиллардан бери бирга ишлаб келаётган ҳамкасбларидан пул талаб қилиб, шифокор деган муқаддас номга, уларнинг оппоқ халатига доғ туширган Усуфжон жазони ўташ давомида инсоф, диёнат деган оддий, аммо муқаддас неъматни унутганига ишонч ҳосил қилса, ажаб эмас. Лекин у яна қайта халқ ишончини оқлай олармикин?! Қолганини вақт кўрсатади...

*Кичик ва ўрта бизнес ривожи мамлакат иқтисодий барқарорлигининг муҳим омилларидан бири саналади. Шу боис, юртимизда соҳани ривожлантиришга янада кенг эътибор қаратилмоқда.*

# Аҳоли фаровонлиги ошмоқда

**Умиджон МАМАДАЛИЕВ,**
Асака туман прокурори

Айниқса, сўнгги йилларда мазкур йўналишга дахлдор бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиндики, бу шубҳасиз, тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахсларнинг фаолиятида учрайдиган бир қанча тўсиқ ва ғовларга барҳам берди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларининг янада соддалаштирилгани, кредит олишда ишбилармонлар учун қулайликлар яратилгани соҳа ходимлари манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб қўйилганидан далолатдир.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурининг II банди, яъни "Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда, унинг ижтимоий ночор қатламларини ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ манзилли муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш" вазифаларини бажариш юзасидан Асака туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит билан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларини, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларни янада кўпайтириш, оилаларнинг фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу боис, туманда саноат, ишлаб чиқариш, аҳолига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалигига турли минитехнологияларни жорий қилиб, ҳар бир соҳада ўз салоҳиятини намоён этаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг эркин фаолият юритиши натижасида диёримиз қиёфаси тобора гўзаллашиб, юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий, кўркам, муҳташам иморатлар қад ростламоқда. Энг муҳими, юқорида тилга олинган жиҳатлар туфайли аҳоли турмуш фаровонлиги ортяпти, ёшлар учун янги иш ўринлари барпо этилаяпти.

Асака туманида тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан барпо этилаётган хусусий корхона-ю ишлаб чиқариш объектлари ёшларни янги иш ўринлари билан банд этиш билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига хизмат қиляпти.

Туманда жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида тадбиркорлар томонидан Дастур доирасида биргина саноат йўналишида 22 та янги лойиҳа амалга татбиқ этилди. Жумладан, тадбиркорнинг ўз сармояси ҳамда тўғридан-тўғри инвестиция йўналтирилиши натижасида ташкил этилган йирик корхоналардан бири — "Sing lida" масъулияти чекланган жамиятида сифатли цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилига 120 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхонанинг фаолият юритиши эвазига 20 нафарга яқин юртдошларимиз ўзларининг доимий иш ўрнига эга бўлдилар. Тумандаги "Премиум идеал" масъулияти чекланган жамиятида "Агробанк"нинг 160 миллион сўмдан зиёд кредити ҳисобига қўшимча 8 та иш ўрни яратилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. "Асака ойдин нур" хусусий корхонаси ҳамда "Асакасиликат" масъулияти чекланган жамиятида эса бир неча турдаги йўлакларга ўрнатиладиган сифатли брусчаткалар ишлаб чиқарилмоқда.

Юртдошларимизнинг тадбиркорлик борасидаги ишлари кўлами таҳлил этилса, туманда ўзига хос ихтисослашув жараёни бораётгани, ишлаб чиқаришга янги йўналишлар жорий этилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Мамлакатимизда интенсив технологиялар асосида боғ ва токзорлар барпо этишга катта эътибор қаратилмоқда. Туманнинг мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилиши қисқа фурсат ичида ўзининг самарали натижасини кўрсата бошлади. Эндиликда мутлақо янгича усулда парвариш қилинадиган боғ ва узумзорлар учун бетон ишком — шпаллер етказиб бериш зарурати пайдо бўлди. Бозор иқтисодиётини, бугунги кун талабларини тўғри англаган тадбиркорлардан бири — Кужган қишлоғидаги "Асака Эл-Сар" хусусий корхонаси раҳбари Элмурод Қосимов ўтган йили банк кредити кўмагида айни шундай маҳсулот — шпаллер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ҳудуддаги фермерларнинг бу борадаги эҳтиёжларини қондиришга киришди. Биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур корхона томонидан интенсив усулда барпо этилган олма боғлари учун 30 минг донага яқин бетон ишком етказиб берилди. Жорий йил бошида эса корхона фаолияти кенгайтирилиб, йил давомида буюртмачиларга қарийб 500 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилган. Энг муҳими, бу ерда ўнлаб ёшлар меҳнат қиляпти.

Туманда тадбиркорлар ташаббуси билан аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш йўналишида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида юзга яқин ана шундай лойиҳалар ишга туширилди. Фаолият кўрсата бошлаган объектлар орасида умумий овқатланиш шохобчаси, савдо дўкони, пайнет, сартарошхона, компьютер хизмати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, маиший техникани таъмирлаш хизмати, мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган катта ҳажмдаги музлаткич, тегирмон сингари кўплаб лойиҳалар борки, улар бевосита қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг, умуман, ҳар бир ҳудуднинг айни йўналишларга бўлган талаб ва эҳтиёжлари асосида барпо этилган. Қувонарли жиҳати, тадбиркор ва фермерлар томонидан олиб борилаётган бу каби эзгу ишлар юртдошларимизнинг турмуш шароити йилдан-йилга яхшиланишига, ҳаёти янада фаровон бўлишига, қолаверса, эртанги кун эгалари — касб-ҳунар коллежларини кечагина тамомлаган йигит-қизларнинг ўзлари танлаган йўналишларда меҳнат фаолиятини бошлашларига хизмат қилмоқда.

*Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг инсон ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари ва фаровон турмуш кечиришига қаратилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада муҳофаза қилиниши кўп жиҳатдан уларнинг ваколатли давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан қилган мурожаатларининг ўз вақтида ва адолатли ҳал этилишида намоён бўлади.*

# Фуқаролар мурожаатига беэътибор бўлманг

**Анваржон МЎМИНОВ,**
Бағдод туман прокурори ёрдамчиси

Ҳар бир фуқаро бирор-бир масала юзасидан мурожаат қилар экан, бунинг замирида инсон ва жамият манфаатлари ётади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонунида фуқаролар мурожаатларининг асосий қоидалари, кўриб чиқиш тартиби, муддати ва ҳал этиш принциплари белгиланган. Эътиборли ва муҳим жиҳати шундаки, фуқароларнинг мурожаатлари, албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши кераклиги ҳам қонуннинг қатъий талаби ҳисобланади. Шунингдек, қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бағдод туман прокуратураси томонидан ҳам юқоридаги қонун ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда ўтказилган текшириш натижалари жойларда мазкур қонунчилик ижросини таъминлаш, фуқароларнинг мурожаатларини қайд қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўрсатди. Жумладан, туманнинг Меҳнатобод МФЙ раиси А.Халилов зиммасига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажармасдан, фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқмаган. Меҳнатобод қишлоғида яшовчи фуқаро А.Холдоров 2013 йил 29 июль куни уйи олдидан ўтган зовур устидаги кўприкни қайта таъмирлашда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган. Бироқ ариза "Фуқароларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш китоби"га қайд қилинмай, мурожаат қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмаган бўлса-да, текшириш кунига қадар ўрганиб чиқилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Худди шундай ҳолатни Бағдод қишлоғида яшовчи фуқаро У.Негмаджонова ва Тинчлик маҳалласида яшовчи фуқаро А.Суяровларнинг моддий ёрдам сўраб ёзган аризаларига бўлган муносабатда ҳам кузатиш мумкин.

Самарқанд ҚФЙ раиси Йигитали Тиллаев ҳам "ҳамкасби"дан қолишмас экан. У ҳам фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқмасдан, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси талабларини бажармай, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиб келган. Жумладан, раис Ёзёвон туманида яшовчи фуқаро Х.Раджаповнинг Самарқанд қишлоғидаги ота-онасидан қолган уй-жойни укалари ўртасида тақсимлаб беришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб ёзган аризасини беэътибор қолдирган. Шунингдек, раис фуқаролар Ё.Ҳамдамов, Э.Солиев, Б.Жўраев, Д.Ҳасанов, Т.Хусанов, Ш.Парпиев, Э.Қодировларнинг ҳам мурожаатларини кўриб чиқишни пайсалга солиб, қонун талабларини бузган.

МФЙ ва ҚФЙ раисларидан "ўрнак" олган Бағдод туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси директори Исмоилжон Кенжаев ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилганини яхши англаб етмаган чамаси, мурожаат ортида инсон тақдири ётганлигини унутиб қўйди. У Бағдод шаҳарчасида яшовчи фуқаро А.Каримовнинг туман марказида йўл кенгайиши сабабли бузилган иншооти учун компенсация тўлашни сўраб ёзган мурожаатини ўрганиб чиқмай, эътиборсиз қолдирган. Шунингдек, директор Бордон МФЙ раиси томонидан ёзилган мурожаатни мамлакатимиз қонунчилиги асосида кўриб чиқмай, ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Ўтказилган текшириш натижалари бўйича зиммасидаги вазифаларни талаб даражасида адо этмай, фуқароларнинг мурожаатларига беэътибор бўлган мансабдор ва масъул шахсларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

# Фарзандлар олдида масъулмиз

*Муҳтарам Президентимиз 2014 йилни "Соғлом бола йили" деб эълон қилар эканлар, соғлом болани вояга етказишда эътибор қаратишимиз лозим бўлган бир қатор жиҳатларни таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ҳамда таъсирини янада кучайтириш лозимлигини уқдирди.*

**Умидбек ҲУСАИНОВ,**
Қўшкўпир туман прокурори

Дарҳақиқат, фарзандлар камолотини таълим-тарбиясиз ва спортсиз тасаввур қилиш қийин. Шу ўринда мустақилликнинг илк йиллариданоқ соғлом, баркамол авлодни камол топтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ёш авлоднинг юксак маънавиятли, жисмонан соғлом инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш, улар қалбида ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, ёт ғояларга нисбатан иммунитетни шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Прокуратура идоралари томонидан вояга етмаганлар масаласига ҳар доим алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қонунийликни таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар қўлланилиб келинмоқда.

Қўшкўпир туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ўтган йилга белгиланган иш режаси асосида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунлари ижроси, спорт ва таълим муассасаларида вояга етмаганларни, айниқса, қишлоқ жойларида яшовчи болаларнинг спорт тўгараклари ва оммавий спортга жалб қилиш орқали уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтиришга оид ишлар аҳволи ўрганилди.

Туманда вояга етмаганлар сони 59385 нафарни ташкил қилади. Мавжуд 53 та умумтаълим мактабларида 22397,7 та, ўрта махсус таълим муассасаларида 6169 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Бу ёшларнинг жисмоний камолотини, саломатлигини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи жисмоний тарбия дарсларининг ўқитилиши қай даражада? Маълум бўлишича, умумтаълим мактабларида 196 нафар, касб-ҳунар коллежларида 88 нафар ўқитувчи дарс бериб келади. Аксарият мактаб ва коллежларда дарслар намунали ташкил қилинган, кўплаб спорт мусобақалари уюштирилиб, болаларни мунтазам спортга жалб қилиш чоралари кўрилмоқда. Буни спорт билан шуғулланувчи ўқувчилар сони 22321 нафарни ташкил қилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Бироқ, тумандаги 7, 16, 37, 42, 50, 51-сонли мактаблар спорт заллари билан таъминланмаганлиги, уларда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилмаганлиги ачинарлидир.

Текшириш жараёнида шунингдек, педагогик кадрларни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари бўйича тўлақонли фаолият кўрсатишларини таъминлаш, педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг турли шакллари орқали узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш чоралари етарли даражада бажарилмаганлиги аниқланди. Айтайлик, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли БЎСМда ҳамда умумтаълим мактабларида айрим жисмоний тарбия фани ўқитувчилари томонидан 5 йилдан буён малакасини оширмаганлик ҳолатларига йўл қўйилган. Айрим мактабларда ўрта махсус маълумотли ёшлар ўқитувчи лавозимига меъёрларга зид равишда ишга қабул қилинган.

Ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг дарсларда қатнашиш давоматлари, турли тўгаракларга жалб қилинганлиги аҳволи ҳам таҳлил қилинди. Бу борада аниқланган хато ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўрилди.

Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2011 йил 14 июндаги "Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтириш тўғрисида"ги 92-сон буйруғи ижросини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда Қўшкўпир туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияда текшириш ўтказилди. Комиссияга ўтган йилнинг 9 ойи давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа ташкилотлар томонидан 78 та маъмурий материаллар тақдим қилинган бўлиб, ота-оналардан 91 нафари жаримага тортилган, 20 нафар вояга етмаганлар ИИБ профилактик ҳисобига олинган. Комиссия томонидан бу даврда тарбияси оғир вояга етмаганларни махсус касб-ҳунар коллежига жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритилмаган. Бундан ташқари, комиссия фаолиятида бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Хусусан, Республика вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг 2-сонли қарори ижро учун комиссия аъзоларига юборилган бўлсада, қарор ижроси бўйича маълумотлар тўлиқ талаб қилиб олинмаган.

Комиссияда ҳал қилинган маъмурий материалларнинг қонунийлиги ўрганилганда, бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Комиссия томонидан дарс машғулотларига мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларнинг ҳисобини юритиш, уларни таълимга қайтариш ишлари лозим даражада бажарилмаган. Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида маънавий тарбияни кучайтириш ва диний ақидапарастликнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказилмаган.

Албатта, бугунги кунда кўпчиликни ташвишга солаётган яна бир масала борки, бу эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишдир. Туман прокуратураси томонидан никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бироқ, айрим ота-оналарнинг масъулиятсизлиги, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида ўйламасликлари, ёшларнинг ҳаётга енгил қарашлари натижасида қонун талабларига зид равишда оила қуриш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

"Кенагас" қишлоғида яшовчи фуқаро У.Аҳмедов ва Д.Аҳмедовалар 1997 йилда туғилган қизи Ферузани вояга етмаган бўлишига қарамасдан, фуқаро Б.Шеровга турмушга беришга тараддуд кўраётганлиги аниқланди. Прокуратура томонидан бу фуқароларга ва "Кенагас" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, туман ва маҳалла имомларига қонун талаблари тушунтирилди ва қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Бироқ, шунга қарамасдан тўй қилинди. У.Аҳмедов, Д.Аҳмедова ва Ф.Шеров қонуний жазога тортилди. Афсуски, бу муаммо ҳал бўлди дегани эмас. Юртдошларимиз эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий жиҳатларини тўла англаб етмас экан, бундай ҳолатларга узил-кесил барҳам бериш қийин.

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги тантаналарида қилган маърузасида соғлом бола, аввало, соғлом ва аҳил оиланинг меваси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шундай экан, оила муносабатларига юзаки қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Фарзандлар эртанги кунимизнинг эгалари. Халқимиз оддийгина қилиб "экканингни ўрасан" дейди. Келажагимизнинг янада нурафшон, янада фаровон бўлиши бугун болаларга қаратаётган эътиборимизга, кўрсатаётган ғамхўрлигимизга, бераётган тарбиямизга боғлиқ. Буни ҳар доим ёдда тутайлик.

# Фарзандлари соғлом юрт...

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Улуғбек СУННАТОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори

Масалан, Қарши шаҳрини янада гўзал, замонавий марказга айлантириш учун унинг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини ишлаб чиқиш, шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича 2013 йил 25 июлда Президентимизнинг "Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарори ва шу асосда мамлакатимиз ҳукуматининг махсус Дастури қабул қилинди.

Ана шу Дастурга мувофиқ, биринчи навбатда, шаҳарнинг ҳудудини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда унинг умумий майдони 8 минг 500 гектардан иборат бўлса, келгусида бу рақам икки баробар ортиб, қарийб 17 минг 700 гектарни ташкил этади.

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида шаҳарни айланиб ўтадиган, узунлиги 56 километр бўлган ҳалқа йўл қурилиши бошлаб юборилди. Мазкур йўлнинг темир йўл ва автомобиль йўллари кесишадиган нуқталарида 6 та замонавий йўл ўтказгич қуриш белгиланган.

Бу лойиҳанинг аҳамияти шундаки, ҳалқа йўли ишга тушиши билан оғир юк машиналари ва бошқа кўплаб транспорт воситалари шаҳарни айланиб ўтадиган бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигига, экологик муҳитга ижобий таъсир кўрсатади.

Қарши автовокзали қурилиб, Бешкент автостанцияси капитал таъмирланади. Шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Самарқандда ишлаб чиқарилган 150 та "Isuzu" автобуси лизинг асосида харид қилинади.

Қарши шаҳри учун энг ўткир масалалардан бири бўлган ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қарийб 55 километрлик сув тармоқларини янгидан қуриш ва модернизация қилиш вазифаси ҳам Дастурда ўз ифодасини топган.

Шаҳардаги канализация тизимининг техник ҳолатини яхшилаш учун хорижий сармоялар ҳисобидан тозалаш иншоотлари ва 100 километрдан ортиқ тармоқни реконструкция қилиш режалаштирилмоқда.

Воҳанинг иқлим ва табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда, Қарши магистраль канали, Қашқадарё дарёси ва бошқа каналлар соҳилида янги инфратузилма объектлари, оилавий дам олиш масканлари барпо этилади.

Бундан ташқари, шаҳарда 9 та янги майдон, 8 та хиёбон қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, шу тариқа шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун қулай шарт-шароит яратиш масалалари ҳам Дастурдан ўрин олган.

Шаҳардаги эски, яроқсиз ҳолга келиб қолган бир қаватли айрим бинолар ўрнида 2-3 қаватли замонавий уй-жойлар қад ростлайди. Уларнинг биринчи қаватида аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари жойлашади. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида атрофлича тўхталиб ўтган эди.

Юқорида санаб ўтганим, биргина Қарши шаҳрида бўлган ва бўладиган ўзгаришлар, янгиланишларни Қашқадарё вилояти, қолаверса, мамлакатимиз миқёсида тасаввур этсак, мустақиллик йилларидаги одимларимиз нақадар залворли эканлиги яққол намоён бўлади. Бу шубҳасиз, жондек азиз истиқлолимиз меваси.

Бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш ҳар бир инсоннинг орзуси. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юрти ва ҳаётини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, ундан ўзи мамнун бўлиб яшашидир.

Табиийки, иморат қилмоқчи ва уй-жой харид қилмоқчи бўлган киши дастлаб унинг мустаҳкамлигига эътибор қаратади. Шундан сўнг уйнинг кўркам ва шинамлиги, ундаги қулайликлар ҳисобга олинади. Президентимиз ташаббуси билан қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар жойларда ана шуларнинг бари мужассам. Масалан, биноларнинг пишиқ ғиштдан, замонавий ва бежирим қурилиш ашёларидан тикланиши уларнинг бир неча авлодларга хизмат қилишини кафолатласа, пухта меъморий ечими йиллар давомида унга ўзгартириш киритишга эҳтиёж туғдирмайди. Замон андозалари асосида ўрнатилган канализация тармоқлари худди шаҳарлардагидек шарт-шароитни муҳайё қилса, ҳар бир хонадон учун ажратилган мўъжазгина ер майдони рўзғор учун зарур неъматлар етиштириш имконини беради.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланишича, "Обод турмуш йили"да республикамиз қишлоқларида 10 мингта намунавий уй-жойлар қурилган, 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар берилган.

Ахир юксак даражадаги қулайликлар, сув, газ таъминоти, канализация зарур ижтимоий инфратузилма билан таъминланган уй-жойларга эга ҳозирги замонавий қишлоқларимизни олдинги ҳолат — асосий қисми сомонли лой, гувала ёки пахсадан қурилган, полсиз, паст шифтли, деярли маиший шароитлари йўқ аҳоли яшаш пунктлари билан солиштириб бўладими? Албатта, йўқ!

Бугун турмушимизни янада обод қилсак, эртага ўғил-қизларимиз бундан-да улуғвор ишлар билан машғул бўладилар, дея ният қилаяпмиз. Зеро, турмуш ободлиги бу — келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги пиллапоянинг битта зинасидир. Эътибор беринг, юртимиз ҳар йили ана шу пиллапоянинг биттадан зинасини босиб ўтмоқда. "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустаҳкам оила йили", "Обод турмуш йили". Шу тарзда ҳалқалар давом этаверади. Биз ҳам бир жойда тўхтаб қолмаймиз. Зеро, ўзбеклар битта жойда тўхтаб қоладиган миллат эмас, у ҳамиша олдинга интилган ва бундан кейин ҳам илгарилаб бораверади.



Президентимиз томонидан ном берилган йиллар муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланди.

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши юртимизда амалга оширилаётган улуғвор ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар томонлама соғлом фарзандларни тарбиялаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда илк давлат мукофотларидан бири — "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши ҳам рамзий маънога эга. Қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган "Соғлом она — соғлом бола" Дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

Унга биноан, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий қилиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом бола, аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Соғлом ва баркамол инсоннинг вояга етишида ҳам оила муҳим ўрин эгаллайди. Эр-хотин ўртасидаги муносабат эса фарзанд учун жуда катта мактаб ҳисобланади.

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида ўғил-қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлаётир. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, зотилжам, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Боланинг соғлом туғилиши ва ақл-заковатли, юксак маънавиятли бўлиб улғайишида оналарнинг ўрни беқиёс. Бунинг учун, аввало, аёлнинг ўзи соғлом бўлиши керак. Шу боис, мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Азалдан халқимиз ўз насл-насабининг соғлом бўлишига доим эътибор берган. Ўғил уйлантириш ёки қиз чиқаришдан олдин бўлғуси келин ёхуд куёвнинг етти пуштини суриштиришган. Ана шу эзгу анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий этилган. Айниқса, оила қураётган аксарият ёшлар ўз тақдири, бўлғуси фарзандлари соғлигини, улар олдидаги масъулиятни ўйлаган ҳолда бунга жиддий ёндашаётганини айтиб ўтиш ўринли.

Дарҳақиқат, халқимизда касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган нақл бор. Дейлик, касалманд бир боланинг соғлигини тиклаш учун қанчадан-қанча маблағ ва вақт талаб қилинади, асаблар ишдан чиқади. Аввало, бундан ота-онанинг ўзи азият чекади, қолаверса, қариндош-уруғ, дўсту биродарлар ҳам ташвишга тушади. Агар ҳар бир одам ўзи ва фарзандлари соғлиги ҳақида ўз вақтида қайғурса, бутун жамиятда шундай муҳит шаклланса, бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Соғлом бола — аҳил оиланинг меваси бўлса, унинг хулқи, одоби у яшайдиган маҳалланинг ютуғидир. "Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она", деган ҳикматли ибора эса миллий қадриятларимизнинг янада юксак инсонпарварлик фазилатини ёрқин ифодалайди. Чунки ота-боболаримиз келажак наслини ана шундай ҳамжиҳатликда, яъни қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй ҳамжиҳатлигида, меҳр-оқибат муҳитида вояга етказишган.

Соғлом фарзанд — ҳар қандай шодиёнанинг безаги. Соғлом фарзанд тамойили давлат сиёсати даражасига кўтарилгани эса бизнинг бахтимиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Соғлом бола йили" деб ном берилган 2014 йилда бу борадаги ислоҳотлар кенг миқёсда давом эттирилиши, шубҳасиз. Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, иймон-эътиқодли, фарзандлари билан фахрланади, уларга суянади. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди. «Соғлом бола» йилида мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари эса соғлом бўлур".

# Қонун лойиҳаси муҳокамада

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада самарали ҳуқуқий база яратилди. Аввало, Конституция қоидалари мамлакатимиз тарихида илк бор инсон, унинг шаъни ҳамда қадр-қимматини энг олий қадрият эканлигини белгилаб берди. Хусусан, Конституциямизнинг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", деб белгиланган. Ушбу ҳуқуқий асослар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.*

**Миршод БОБОЕВ,**
Бош прокуратура бўлим прокурори

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан биридир. Шу нуқтаи назардан Президентимиз фуқароларнинг мурожаатлари, уларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш масалаларига доимо эътибор қаратиб, ўз муносабатларини билдириб келган. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2012 йил 16 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим", деб алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги ўзгараётган замонда, энг муҳими, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва шу билан бирга уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг масъулияти юқори бўлиши лозим. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси алоҳида ўрин тутади.

Қонун лойиҳаси амалдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун нормалари ва қоидалари негизида ишлаб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, конституциявий нормалар ва бу ундаги кафолатлар асосида бу борадаги махсус қонунчилик ривожлантирилди. Яъни ҳозирги вақтда фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари ва уни кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари билан тартибга солинади.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предметини фақатгина фуқароларнинг мурожаатлари ташкил этган, бироқ юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш эса мазкур қонун билан қамраб олинмаган эди. Бу фуқаролар билан бир қаторда юридик шахсларнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш институтидан фаол фойдаланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш заруратининг мавжудлигидан далолат беради.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Жумладан, унда амалдаги қонунга нисбатан бир қатор янгиликлар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

— юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади;

— мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ равишда кенг тарқалаётган "электрон мурожаат" турининг ҳуқуқий мустаҳкамланишини таъминлайди;

— давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулиятини оширади;

— амалиётда учрайдиган такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритади ҳамда уларга таъриф берилиб, кўриб чиқишнинг тартибини белгилайди.

Бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради.

Қонун лойиҳасининг номи амалдаги қонунга нисбатан бирмунча ўзгартирилган ва кенгайтирилган. Бунда хорижий тажриба ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун ҳамда илғор жиҳатларига эътибор берилган. Лойиҳани янги субъект — юридик шахслар киритилишини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонунчилик терминологияси билан мувофиқлаштириб, бир-бирига мутаносиб номланиши мақбул деб топилди.

Халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётини ўрганиш натижасида Германия, Канада, Франция, Австрия, Япония, Норвегия, АҚШ, Швейцария ҳамда МДҲнинг айрим давлатларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигини кўриш мумкин.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида фақат фуқароларнинг эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда. Ҳозирда қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, ушбу турдаги жавобгарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида ва Жиноят кодексининг 144-моддасида белгиланган бўлса-да, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ва Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни қамраб олмаган. Бу эса давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш аҳволига ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасида юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунбузарлик учун тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси 2-қисми "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриқонуний тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни бажаришни таъминламаганлик уларнинг такрорий мурожаат қилишига олиб келса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши" ҳақидаги янги норма билан тўлдирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшимча кафолатлар яратиш имконини беради. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришнинг таъсирчан чораси бўлиб хизмат қилади.

# Инсонпарварлик тимсоли

*Инсон манфаатлари — устувор қадрият. Мамлакатимизда жорий этилаётган ҳар бир қонун инсонпарварлик ва бағрикенглик руҳи билан суғорилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори замирида ҳам ана шу ғоялар мужассам.*

**Азамат МИРЗАЕВ,**
Қарши махсус прокурори

Яшаш энг қийин санъат деймиз. Дарҳақиқат, ҳаётда тўғридан-тўғри мақсадга элтувчи йўл йўқ. Инсон бутун умр курашиб яшайди. Баъзилар бу йўлда янглишадилар, жиноятга элтувчи йўлларга кириб қоладилар. Бундай нохуш аҳволдан чиқиб кетиш учун инсон чора излайди ва қонун кўмагига кўз тикади. Бундай кишиларга ёрдам бериш, йиқилганни суяш халқимизга хос фазилат. Ана шундай ғояларни ўзида мужассам этган амнистия актини чин маънода инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик тимсоли десак, хато бўлмайди.

Айтиш жоизки, бу адолатпарвар ҳужжатни ҳаётга тўғри татбиқ этиш, унинг талаблари аниқ, бехато ва адолат мезонлари асосида бажарилишини таъминлаш ва бу борада назоратни кучайтириш прокуратура ходимлари фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига кўра (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) қуйидаги маҳкумларнинг жазодан озод қилиниши белгиланган:

а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
г) чет давлат фуқаролари.

Қарорнинг биринчи бандига кўз югуртираркансиз, жазодан озод қилиниши белгиланган маҳкумлар орасидан биринчи навбатда "аёллар" деган сўз қалбингизни миннатдорчилик туйғулари билан тўлдиради. Чунки аёл деганда энг аввало, она сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Она эса инсон зурриётининг буюк ва бетимсол ғамхўри. Аммо ҳаёт учун курашда у ҳам хато қилиши, янглишиши ва жиноятга қўл уриши мумкин. Ўз оиласини, фарзандларини қолдириб, жазо муддатини ўтаётган аёлнинг Конституциямиз қабул қилинган кунни ва шу кун муносабати билан эълон қилинадиган амнистия актини қанчалар ҳаяжон ва интизорлик билан кутишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шунингдек, 18 ёшга тўлмаган, яъни ҳали вояга етмаган шахслар, қариялар (60 ёшдан ошган эркаклар) ҳамда чет давлат фуқароларининг амнистия акти билан жазодан озод қилиниши ҳам инсонпарварлик ва бағрикенгликни, қонунларимиздаги адолат мезонларига нечоғлик амал қилинганлигини яққол ифодалайди.

Қарорнинг 2-бандида эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахсларнинг жазодан озод этилиши кўрсатиб ўтилган. Ҳа, адолат юзасидан айтганда, бундай кишиларни афв этиш ва уларни ўз оиласи бағрига, ўз жамоасига, меҳнат қилиб келган корхонасига қайтариш ёки ишга жойлаштириш ва фойдали меҳнатга жалб этиш қанчадан-қанча оилаларнинг қувончига сабаб бўлади ҳамда уларнинг қонунларимизга бўлган ҳурматини янада оширади.

Инсоннинг жонига қасд қилиш, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш оғир жиноят. Бундай жиноятни содир қилганларни мустасно этган ҳолда, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган шахсларнинг ҳам жазодан озод қилиниши Қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган.

Амнистия актининг 4-бандида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод этилиши кўрсатилган бўлса, унинг 5-банди тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни жазодан озод қилишга қаратилган.

Мазкур банддаги "тузалиш йўлига қатъий ўтган" деган иборага алоҳида эътибор бериш, маҳкумни жазодан озод этишда бунга қатъий ишонч ҳосил қилиш зарур. Гап инсон тақдири устида бораркан, бу йўлда бепарволик қилиш ёки хатога йўл қўйиш кечириб бўлмас ҳолдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Қарорнинг қўлланилиши устидан назорат қилиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, унинг ижросини таъминлашда очиқ-ошкораликка амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Инсонпарварлик ва бағрикенглик — адолатпарварлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муҳим мезони. Жазодан озод қилинган шахснинг ҳаётга мослашуви, ўз ўрнини топиши ва жамиятимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиши учун имкониятлар яратиб бериш ҳам инсонпарварлик намунасидир. Жазодан озод қилинганларни ишга жойлаштириш, ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёлғиз кишиларни ҳамда ёрдамга муҳтож шахсларни ўзининг хоҳишига қараб қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш мутасадди идоралар ва жамоатчилик зиммасига юклатилиши ҳам мазкур ҳужжат талабларининг тўла-тўкис ва оғишмай амалга оширилишини таъминлайди.

*Юртимизда барча соҳада бўлгани каби иқтисодий соҳада ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Уларнинг ижроси эса назорат органларининг доимий эътиборида.*

# Ишингиз қонуний бўлсин

**Азамат ЮЛДАШОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Чимбой туман бўлими бошлиғи

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман бўлими ходимлари томонидан 2013 йилнинг ўтган даврида солиқ ва валютага оид 13 та текширув ўтказилиб, натижаси бўйича бўлим материаллари асосида 10 та, солиқ идораларидан келиб тушган материаллар асосида эса 3 та жиноят иши қўзғатилди. Қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан давлат бюджетига қўшимча ҳисобланган солиқ ва молиявий жарималар суммаси 392232,3 минг сўмни ташкил этиб, ундан шу кунга қадар 173040,2 минг сўми давлат бюджетига ундирилди. Шунингдек, олиб қўйилган 1999,6 минг сўмлик моддий бойликлардан 1 та ҳолатда 213,1 минг сўмлик спиртли ичимликлар, яширин цехлардан 2 та ҳолатда 1999,6 минг сўмлик моддий бойликлар вақтинча сақлаш учун олинди.

Қўзғатилган жиноий ва маъмурий ишлар натижасида давлат бюджетига 218775,5 минг сўмлик қўшимча маблағлар ундирилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан, ҳеч қандай ҳужжатсиз ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 3 та яширин цех аниқланиб, улар фаолиятига чек қўйилди. Жумладан, бўлимимиз томонидан ИИБ ва ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир натижасида тумандаги Р.Зарипов кўчасида яшовчи фуқаро Т.Атамуратов ва тумандаги Кунхўжа кўчасида яшовчи фуқаро Б.Ганиевлар ўзаро тил бириктириб, қўлбола мойжувоз ускунасида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқараётганлиги аниқланиб, улардан жами 1786,2 минг сўмлик 650 кг. пахта чигити, 756 кг. кунжара, 270 кг. мойжувоз пахта ёғи ва яна бир нечта ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Маълум бўлишича, фуқаро Т.Атамуратов бу билан чекланиб қолмасдан, ўзбошимчалик билан электр тармоғига ноқонуний уланиб, электр тармоқлари корхонасига 2808,6 минг сўм миқдорида зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролар Т.Атамуратов ва Б.Ганиевларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўрилди.

Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасининг белгиланган тартибларини бузиш ҳолатлари юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида эса 3 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 113393,3 минг сўмлик нақд пул маблағларининг банкка топширилмаганлиги маълум бўлди ва 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Республика ҳудудига ноқонуний равишда спирт ва алкоголли ичимликларни олиб кириш ҳамда қонунга хилоф равишда яширин цехлар ташкил этиб, қўлбола ароқларни ишлаб чиқариш ҳолатларига барҳам бериш бўйича ҳам бир қатор тезкор тадбирлар ўтказилиб, қонунбузарларга 213,4 минг сўмлик спирт ва алкоголли ичимликлар олиб қўйилди. Жумладан, фуқаро Н.Тобажанова туман деҳқон бозорида спиртли ичимлик савдоси билан шуғулланаётганлиги аниқланиб, ундан 213,4 минг сўмлик нарсалар ашёвий далил сифатида олинди. Н.Тобажановага нисбатан суд томонидан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши, фаолиятини кенгайтириши, кредит берилиши, қўшимча иш ўринлари яратиш масаласида 10 та хўжалик юритувчи субъектларга амалий ёрдамлар кўрсатилиб, 150 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди ҳамда 16 та янги иш ўринлари яратилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, бошқа идораларнинг мансабдор шахслари томонидан порахўрлик, тамагирлик, суиистеъмолчилик ва бошқа кўринишдаги коррупция ҳолатларини аниқлашга қаратилган тезкор тадбирлар натижасида 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Бўлимимиз ходимлари томонидан солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик, иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги бошқа жиноятларни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларда қонунларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш бўйича корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

# Сарсон бўлган қўшнилар

*Ҳозирги глобаллашув жараёнида фуқароларимиз ўртасида ҳар қанча тарғибот ишлари олиб борилмасин, баъзи юртдошларимиз ҳамон қора ниятли одамларнинг алдовига учиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлмоқдалар.*

**Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Янгийўл туман бўлимига 2013 йилнинг февраль ойида фуқаро Пўлат Аҳмедов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ариза билан мурожаат қилади. Аризада ёзилишича, 2009 йилнинг июнь ойида Янгийўл туманида яшовчи "Света" исмли аёл унга ва қўшнилари Сабоҳат Нодирова, Ҳасан Мелиев, Оқил Фаридов, Дилдора ва Мухлиса Эсановалар ҳамда Сайёра Туроповаларга Россия Федерациясида иш борлиги, ойига 300 АҚШ долларидан ойлик маош олишларини, Россияда уларни "Коля" исмли йигит кутиб олишини уқтиргани, хуллас, охир-оқибат 2009 йилнинг июнь ойидан ноябрь ойига қадар ишласалар-да, ваъда қилинган ойлик маошини ололмаганлигини маълум қилиб, "Света" исмли шахсга нисбатан қонуний чора кўришликни сўрайди.

Ҳолат юзасидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари жараёнида маълум бўлишича, ҳақиқатдан ҳам янгийўллик Светлана Пак Россия Федерациясининг Ростов шаҳрида деҳқончилик билан шуғулланаётган "Коля" исмли шахс билан олдиндан тил бириктириб, фуқаролар П.Аҳмедов, С.Нодирова, Ҳ.Мелиев, О.Фаридов, Д.Эсанова, М.Эсанова ва С.Туроповаларни Ростов шаҳрига ишлашга жўнатган экан. У 1500 АҚШ долларига жабрланувчиларга йўл чипталари олиб бериб, уларни Ростов шаҳрига "Коля"нинг олдига кузатиб қўяди. Фуқаролар у ерда ваъда қилинган иш билан шуғулланишни бошлашади. Лекин вақт ўтса-да, маошдан дарак бўлавермайди. 2009 йилнинг ноябрь ойига қадар ишласалар-да, қўлларига ойлик маошларини олмаганларидан кейин, ҳафсалалари пир бўлиб, уйларига қайтишга мажбур бўладилар. Йўл харажатларига эса оила аъзолари пул жўнатишади. Уларни салкам олти ой ишлатган "Коля" эса кетишлари билан ойлик маошларини ортларидан жўнатиб юборишни ваъда қилади.

Уйларига қайтиб келган жабрдийдалар маошларини кутишади, аммо пулдан дарак бўлмайди. Улар иш ҳақларини "Света"дан сўрашганда, аёл "эрта-индин" дея алдаб, пул беришни чўзиб юраверади. Шу тариқа орадан икки йил ўтади. Шундан сўнггина ҳуқуқлари бузилиб, алданганликларини англаган фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишади.

Суд Светлана Пакка Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига асосан қўзғатилган жиноий ишни ҳаракатдан тугатди.

Кечиримлилик миллатимизга хос бўлган буюк хислатлардан биридир. Жиноят кўчасига билмай кирган инсонларга давлатимиз томонидан шундай ғамхўрлик қилинаётганлиги таҳсинга лойиқдир. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизда инсон ҳуқуқлари олий неъмат ҳисобланади.

# Валютафурушлар

*Маълумки, ҳар қандай ишнинг муваффақияти замирида, аввало, ҳалоллик, поклик ва энг муҳими, халқ манфаати мужассам бўлгандагина кўзланган мақсадга эришилади.*

**Шароф АБДУВАҲИДОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Гулистон шаҳар бўлими бошлиғи

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Гулистон шаҳар бўлими ходимлари томонидан валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида жойларда кенг қамровли профилактика ва тарғибот тадбирлари ўтказилиб, содир этилган ҳар қандай жиноят учун жазонинг муқаррар эканлиги тушунтириб келинмоқда.

Аммо шундай бўлса-да, орамизда ҳамон мавжуд қонунларга чап бериб, кўча-кўйда валюта алмаштиришни ўзига касб қилиб олганлар ҳам учраб турибди. Хусусан, бўлим ходимлари томонидан Гулистон шаҳар деҳқон бозори атрофида ўтказилган тадбирда қонунга зид фаолият билан шуғулланаётган Ш.Акбутаев ва С.Аллахвердиевларнинг қилмишларига чек қўйилди. Улар 4 минг АҚШ долларини фуқаро Н.Пўлатовага қора бозор нархида жами 11 млн. сўмга ўтказган пайтда қўлга олиндилар.

Суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, валютафурушлик йўли билан мамлакатимиз иқтисодиётига путур етказишга ҳаракат қилаётганлар, эртами-кечми ўз жазоларини олишади.

# Хуфиёна иқтисодиётга йўл йўқ

*Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг ривожланишини тадбиркор ва ишбилармонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига бозорларимиз турли-туман маҳсулотлар билан кундан-кунга бойиб бораётганлиги қувончли ҳолдир.*

**Жасурбек САТТАРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим катта инспектори

Бу борада давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан тегишли қонун, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун барча ҳуқуқий асослар етарли эканлигини айтишимиз мумкин. Қонун доирасида даромад топиш учун эса ҳалол меҳнат қилиш талаб этилади, холос.

Бугунги кунда ҳам ўзларига, ҳам эл-юртга, ҳам давлатга наф келтираётган тадбиркорларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, виждонан ишлаб келаётган тадбиркорлар орасида бундай хислатлардан йироқ бўлган, дарҳол бойиб кетиш режасини тузган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Уларни тадбиркорликнинг моҳиятини тушунмаган, давлат томонидан берилган имкониятлардан қонун асосида фойдаланмаган, ўз ҳуқуқ ва бурчини унутиб қўйганлар, дейишимиз мумкин.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти органлари томонидан бу каби соғлом рақобат муҳитини бузиб келаётган сохта тадбиркорларни аниқлаш ҳамда уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Худди шундай қўштирноқ ичидаги тадбиркорликнинг бошини тутган фуқаролар Б.Ортиқбоев, И.Қосимов ва Ғ.Мусаевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, пойтахтимиз хонадонларидан бирида қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун яширин цех ташкил қилишган.

Режа пухта ишланган бўлиб, унга кўра, Ғ.Мусаев ўзига тегишли бўлган бинода яширин цех ташкил этиб, иш учун шароит яратиб беради. И.Қосимов цехга ишчиларни ёллайди. Б.Ортиқбоев эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларга харидорларни топиш вазифасини бажаради.

Яширин цехда ишлаб чиқарувчиларнинг номларидан фойдаланиб, "Shirin olam" ва "Fayz shirin multik" номли ҳар хил турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, хавфсизлик ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни истеъмолчиларга сотишни бошлашган. Бироқ устомонларнинг ноқонуний ҳаракатлари узоққа бормади.

Департаментнинг Мирзо Улуғбек туман бўлими тезкор ходимлари томонидан олиб борилган тадбирда яширин цех фаолиятига барҳам берилди ва улардан 810 дона "Shirin olam", 124 дона "Fayz shirin multik" ҳамда 250 дона "Chak chak" номли қандолатчилик маҳсулотлари учун қутилар, тайёр печенье ва қандолатчиликда ишлатиладиган бошқа маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

"Ишбилармонлар"га суд ҳукми билан кўра тегишли жазо тайинланди.

# Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари кафедра
бошлиғи

***Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан бормоқда. Ватанимизда қисқа давр мобайнида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Асосий Қонунимиз мамлакатимизда қонунчилик фаолиятини ривожлантиришга имконият яратиб берди. Уни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа барча қонунларнинг, шу жумладан, махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи кодексларнинг юридик манбаи, пойдевори десак, хато бўлмайди.***

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Асосий Қонунимиз негизида яратилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чунки, ушбу кодекс бугунги кунда инсон фаолиятининг асосий қисмини ташкил этувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга тўла хизмат қилиб келмоқда. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бевосита маълум бир мажбуриятлар олиш, уларни ижро этиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу мажбуриятларнинг бажарилмаслиги натижасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакли сифатида зарарни қоплаш фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Фуқароларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар" деб номланган алоҳида бўлимида ўз ифодасини топди. Бугунги кунда етказилган зарарни қоплашга доир ушбу нормалар нафақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабат жараёнида етказилган зарарларни қоплашни, балки жиноят натижасида етказилган зарарларни ҳам қоплашда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу нормаларнинг белгиланиши мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга, эркин тадбиркорлик учун амалий ёрдам беришга, республикамизда ҳар қандай мулк шаклининг дахлсизлиги ва муқаддаслигидан келиб чиқувчи ижтимоий муҳитни яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Дунёда кўпгина тараққий этган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва ҳимоялашда астойдил жон куйдиради".

Республикамизда фуқароларга чекланмаган миқдорда мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқининг белгиланиши билан бир қаторда уларнинг мол-мулки, ҳаёти ва соғлиғининг ҳимояси ҳам қатъий кафолатлаб қўйилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти ва мол-мулкига етказилган зарарларни қоплашга доир қонунчилик тизими уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоялашга тўла хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида вояга етмаган шахслар томонидан зарар етказилганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 993-моддасига кўра ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахс (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар.

Юқоридагиларга кўра, вояга етмаганларнинг етказган зарари учун жавобгарликни уларнинг ёшига қараб турлича белгиланганлигини кузатишимиз мумкин. Яъни ўн тўрт ёшгача бўлган болалар томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти вояга етмаган шахснинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсга юклатилади. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахснинг етказган зарари учун эса унинг ўзи умумий тарзда мустақил жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Шунингдек, агар ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаган шахснинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийи томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши белгиланган. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун умумий асослардаги жавобгарликнинг белгиланишида уларнинг меҳнат муносабатларига киришиши ва мустақил тарзда ўз маблағларига эга бўлишлари назарда тутилган. Лекин бугунги кунда 14 ёшга тўлган вояга етмаган шахслар меҳнат муносабатларига киришиш ҳуқуқига эгами, уларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мумкинми, деган савол туғилади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 4 апрелда "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги Конвенция ратификация қилиниши муносабати билан меҳнат қонунчилигидаги ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган энг кичик ёш ўзгартирилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига кўра ўн олти ёш ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган умумий ёш бўлса-да, ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — вояга етмаганларнинг ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилиши 2009 йил 24 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни асосида белгилаб қўйилди. Яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар 14 ёшга тўлган вояга етмаганлар ҳам ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилигига кўра меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эди. Бугунги кунда эса фақатгина ўн беш ёшга тўлган вояга етмаганлар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилигига кўра меҳнат муносабатларига киришиши ва мустақил маблағга эга бўлиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигига киритилган ушбу ўзгартиришларга кўра бугунги кунда 14 ёшга тўлган вояга етмаганларнинг меҳнат муносабатларига киришиши қатъий тақиқланади. Бу ҳолат эса шу ёшдаги вояга етмаган шахснинг шахсий маблағ ёки мол-мулкка эга бўлиш имконияти мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиққиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 994-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларидаги "Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача" деган сўзлар "Ўн беш ёшдан ўн саккиз ёшгача" деган сўзлар билан алмаштирилиши лозим. Шунда Фуқаролик кодексининг 994-моддасидаги нормалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасида белгиланган талаб билан мувофиқлашади ва қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ тўлдирилади.

Албатта, биз қонунларни такомиллаштириш баробарида уларнинг бир-бирига мувофиқлигини ҳам таъминлаб боришимиз лозим. Шундагина қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш мумкин бўлади.

# Инсон ҳуқуқларини муқаддас билиб...

Отабек МАНИЯЗОВ,
Чуст туман прокурори

***Тарихдан маълумки, иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли оқибатлари 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсис этилишига туртки бўлган. Ана шу пайтда БМТнинг асосий мақсадларидан бири — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни тарғиб-ташвиқ этиш, деб белгиланганлиги ҳам ўз-ўзидан ёки тасодиф бўлмаган.***

БМТ ташкил этилган санадан эътиборан унинг олдида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган универсал халқаро ҳужжат ишлаб чиқишдек ўта долзарб вазифа турарди. Шу тариқа узоқ давом этган муҳокама ва мунозаралардан сўнг, ниҳоят 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" қабул қилинди. 30 моддадан иборат ушбу муҳим ҳужжат ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Ундаги ғоя, принцип ва талаблар жаҳондаги кўпгина давлатлар конституцияларидан ўрин олгани бежиз эмас.

Мазкур декларация 1966 йилнинг 16 декабрида "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги ҳамда "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Пактлар билан мантиқан тўлдирилди. Кези келганда шуни айтиш лозимки, ушбу пактлар Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йилда ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатлар биргаликда "Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро Билл" номини олди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш борасида аниқ йўналиш бўйича фаолият олиб боришга киришди. Дастлабки қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди ва эътироф этиб ўтиш жоизки, бу билан халқаро ҳуқуқий миқёсда тан олинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланди.

Кейинчалик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган халқаро ҳуқуқ ва нормаларига мос келадиган қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 15 та кодекс ва 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилиндики, булар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқий принципларни Конституциямизда мустаҳкамлаган Ўзбекистон Республикаси аҳолининг турли қатламлари бўлмиш (аёллар, болалар, ногиронлар) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган халқаро конвенцияларга қўшилди, ўз ҳудудида бу тоифа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги кафолатлари ҳамда ҳимоясини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий шароитлар ярата олди. Хусусан, Конституциянинг 45-моддасида "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир", деб белгилаб қўйилган.

Халқаро нормалар талабларига асосан, Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нафақат конституциявий-ҳуқуқий асослар ва кафолатлар яратилди, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий механизми ҳам қарор топди.

Маълумки, 1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларини муқаддас билиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"ни ратификация қилди. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш жараёнини янада тезлаштириб, унга ҳуқуқий асос бўлди. Шу маънода, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Бош Қонунимиз мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", дейилади Бош Қонунимизнинг 13-моддасида.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган юртнинг келажаги порлоқдир. Келажаги бор юртнинг эртаси эса доим нурафшон бўлади.

# Демократик тараққиётнинг ҳуқуқий кафолати

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ва оширилаётган туб ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон дунёдаги энг илғор демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Жамият ҳаётидаги мустаҳкам барқарорлик, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлик, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, энг асосийси, биз танлаб олган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан дадил одимлаётганимиз эришаётган улкан ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда.***

Бугун буюк ва муқаддас Ватаннинг камолини, Мустақиллик аталмиш тотли неъматнинг улуғвор аҳамиятини, истиқлолнинг барча юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрни ва ролини, онгу тафаккуримизда қилган оламшумул ўзгаришлари моҳиятини янада теранроқ англаб етмоқдамиз. Ўтган йиллар мобайнида босиб ўтган тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, эски мафкуравий тизим ва ғоялардан бутунлай воз кечиб, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритган ва бутун дунё аҳли ҳавас билан эътироф этаётган юксак марра ҳамда залворли ютуқларимиз барчамизга ғурур-ифтихор туйғуларини бахш этиши табиий.

Албатта, бу каби улуғвор марраларни забт этишимизда мустақил ҳаётимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси, тинчосуда, фаровон турмушимизнинг мустаҳкам кафолати бўлган Конституциямизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Бош Қонунимизда инсон омилига эътибор энг юқори даражага олиб чиқилгани, инсон ҳуқуқи олий қадрият сифатида белгилаб қўйилгани барча соҳаларда қўлга киритаётган мислсиз ютуқларимиз гаровидир.

Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимизда замонавий конституциявий қурилиш йўналишида умумэътироф этилган ёндашувлар халқимизнинг бой тарихий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий тажрибаси ва анъаналари билан узвий равишда уйғунлаштирилган ва унда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча принципиал қоидалари ўз аксини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши ва мазмунига кўра, юртимиз ҳудудида амалда бўлган аввалги конституциялардан мутлақо фарқ қилади. Бу унинг миллий истиқлол ғояси билан суғорилганлиги, халқчиллиги ва демократик табиатида яққол намоён бўлади. Қолаверса, Конституциямизда миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларига ҳам ўта нозиклик билан ёндашилган. Унинг устуворлиги ҳам жинси, миллати, дини, ирқи, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги, инсон ҳуқуқлари ва эътиқод эркинлигини муайян даражада камситадиган биророта ҳам модданинг йўқлигидадир.

Мана йигирма бир йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда ижтимоий муносабатлар соҳасида қабул қилинаётган барча ҳуқуқий ҳужжатлар учун тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бутунлай янги бир даврни бошлаб берувчи муҳим дастурий аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Юртбошимиз турли йўналишларда таклиф этган қонунчилик ташаббусларининг босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳаётга жорий этилаётгани эса, халқимизнинг янада буюк марраларни эгаллашида мустаҳкам ҳуқуқий асосдир.

Албатта, ҳозирги тезкор ҳаёт динамикаси, мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги туб ва изчил ислоҳотлар, тараққиётимиз яна бир янги даврига қадам ташлаш Конституциямизга баъзи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ҳам тақозо этади. Бу жараён Бош Қонунимизнинг бутун мазмун ва моҳиятини инкор этиш эмас, балки бунда фақат унинг айрим жиҳатларини реал турмуш тарзига мослаштириш ва юзага келиши кутилаётган янгича муносабатларни тартибга солишга тайёрлаш ҳамда аниқлаштиришдан иборатдир.

Аслида бу каби ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали Конституция янада мукаммаллаштирилади, лекин унинг асосий мазмун-моҳиятига ҳеч қандай путур етмайди. Пировардида, Конституциянинг барқарорлиги таъминланиб, ҳаракат муддати узайтирилади.

Шу маънода, ҳозирга қадар Конституциямизга давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли ўта муҳим масалалар юзасидан бир неча тузатиш, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ, Конституциямизнинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан эса, Конституциянинг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига тузатишлар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги Қонунига асосан эса, 77-модданинг биринчи қисмига ўзгартиш киритилди.

2011 йил 18 апрелда қабул қилинган Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Муҳтарам Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га биноан Бош Қонунимизга киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизни демократлаштириш билан боғлиқ ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди ва бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади. Бош Қонунимизнинг 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар бир томондан давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг учта субъекти — давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб равишда тақсимланишини таъминласа, бошқа томондан изчил давом этаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим ҳуқуқий кафолатига айланди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига киритилган Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бориш нормаси энг демократик тамойиллардан келиб чиққанини эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, 80-моддага киритилган ўзгартишга мувофиқ, Олий Мажлис Сенатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашдек яна бир мутлақ ваколат берилди. Бу эса ўз навбатида, Сенат ваколатларини янада кенгайтириш билан бирга, парламент назорати механизмларини такомиллаштириш имконини яратди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига берилгани эса, давлат бюджетининг мақсадли ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишга йўналтирилган. Худди шу модданинг 15-бандида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимини эндиликда Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан тайинлаши белгилаб қўйилди. Бундан асосий мақсад ҳукумат ва ҳукумат раҳбарининг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришдир. Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли эканлиги ҳақида қоида эса, Конституциянинг 98-моддасидан 93-моддасининг 16-бандига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига киритилган яна бир муҳим ўзгартиш — мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилишидир. Бунда уч ой муддат ичида, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ риоя этган ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилиши зарурлиги қатъий қоида сифатида белгилаб қўйилди. Мазкур модданинг янги таҳрирда баён этилиши аниқликни, яъни аввалги таҳрирни турлича талқин этишнинг олдини олишни назарда тутади.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ўзгартишларга асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг демократик принципларини ифодалайдиган янги ҳуқуқий тартиб ўрнатилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи ҳам берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Биз бугун ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил одимламоқдамиз. Дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга астойдил интилмоқдамиз. Бундай давлатда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни миллий Конституциясисиз тасаввур қила олмайди. Чунки, ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.

Халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга уйғун равишда қабул қилинган қонунларимизга таяниб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси Ватанимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилгани барчамизга бирдек аён. Мақсадимиз, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги — умуммиллий ғояси атрофида жипслашиб, ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали дунёнинг энг ривожланган ва тараққий этган илғор давлатлари қаторида тенглар ичра тенг бўлиш, улар сафидан муносиб ўрин эгаллашдир.

Ана шу каби эзгу мақсадлар йўлида бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат олиб бориш, Конституциямизга, қонунларимизга ҳурмат билан қараш ва уларга амал қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигимизни, юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимизни юксалтириб бориш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз ва масъулиятимиздир. Ана шу бурч ва масъулиятни унутмасак, жамиятимизнинг демократик ислоҳотлар йўлидаги изчил тараққиёти, амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларимиз юқори самараларни бераверади ва биз кўзлаган улуғвор марраларга, албатта етамиз.

# Ҳамиша эл ардоғида



*Севган касб-фаолияти туфайли эъзоз ва эътирофда бўлиб, ўз меҳнатсеварлиги, самимийлиги ва ғайрати билан эл-юрт меҳрини қозонган прокуратура ходими Айгуль Атаджанова бугун қутлуғ 60 ёшни қаршиламоқда.*

Айгуль Атаджанова 1977 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида маслаҳатчи, катта маслаҳатчи, Қорақалпоғистон Республикаси собиқ Марказий қўмитасида маъмурий идоралар бўлими йўриқчиси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори, прокурор катта ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлим прокурори ва катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. У 34 йилдан зиёдроқ умрини қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Айгуль Атаджанова қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида катта ҳурмат қозониб, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди.

Дарҳақиқат, инсон қадри унинг Ватан, эл-юрт, жамият ва давлат олдидаги меҳнатлари билан баҳоланади. Айгуль Атаджанованинг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 августдаги Фармонига асосан "Шуҳрат" медали ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Айгуль Ибрагимовна, сизга оилавий тинчлик-тотувлик, мустаҳкам соғлик, хонадонингизга файзу-барака ва узоқ умр тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

*Мамлакатимизда қонунчилик тарғиботида глобал ахборот тармоқларидан фойдаланиш кўламлари кенгайиб бориб, хусусан, яратилган қонунчилик базаси ва замонавий технологиялар негизида қурилган инфратузилма туфайли ахборот олиш ва тарқатиш учун кенг имкониятлар яратилган.*

# Тарғиботнинг муҳим жиҳати

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
**«Huquq»**

Куни кеча Тошкент вилоят прокуратурасида "Қонунчилик тарғиботи фаолиятида глобал ахборот тармоқларидан фойдаланиш масалалари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Республика Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Ички ишлар вазирлиги, Давлат алоқа қўмитаси, Тошкент вилоят прокуратураси ходимлари ҳамда Тошкент Давлат юридик ва Тошкент Ахборот технологиялари университетларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда қонунчилик тарғиботининг ўрни ҳамда мазкур фаолиятда глобал ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг аҳамияти, шунингдек, бу борада белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалалари таҳлил қилинди.

Йиғилиш якунида иштирокчилар томонидан мамлакатимизда қонунчилик тарғиботида глобал ахборот тармоқларидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлашга оид тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## Диққат! Диққат! Диққат!
## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

***Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, "Universal Realtor" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Назарбек" ҚФЙ, Лойиҳачи кўчаси, 7-уйда жойлашган "Мулкий мажмуа" қўйилади.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва сотиш асосий шартлари:

-бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони — 27 107,71 кв.м.;

— умумий ер майдони — 8,96 га.;

— энг юқори сотиб олиш тўлови таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 7 783 758 000 сўм.**

Балансда сақловчи: "Toshviloyat-Ta'minot savdo" ДУК.

Фаолият ихтисоси: Улгуржи савдо.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 январь куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 29 январь куни соат 16:00да тўхтатилади.

Ушбу санада давлат активи сотилмай қолган тақдирда, такрорий очиқ аукцион савдолари 2014 йил 13, 27 февраль ҳамда 13 март кунлари соат 11:00дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 12, 26 февраль ва 12 март кунлари соат 16:00да.

**2.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Чиноз" ҚФЙ, Гулзоробод фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган 34-сонли болалар боғчаси бино ва иншоотлари қўйилади.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони — 1488,6 кв.м.;

— ер участкасининг умумий майдони — 0,65 га.;

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

**Бошланғич нархи — 725 680 000 сўм.**

Балансда сақловчи: Чиноз тумани ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Аукцион савдоси 2014 йил 6 февраль куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 5 февраль куни соат 16:00да тўхтатилади.

Ушбу санада давлат активи сотилмай қолган тақдирда, такрорий очиқ аукцион савдолари 2014 йил 20 февраль, 6 ва 20 март кунлари соат 11:00дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 19 февраль, 5, 19 март кунлари соат 16:00да.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камни ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Realtor" МЧЖнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО-01041, СТИР-302 269 399, 20 208 000 804 975 228 001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

**Қўшимча маълумот ва мурожаат учун манзил:** "Universal Realtor" МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. **Телефон:** (8-371) 150-35-55
**Факс:** 236-26-65
www.realtor.uz
**Email:** universal.realtor@mail.ru
Лицензия RR-0127.

**Хизматлар лицензияланган**

## «Universal Realtor» МЧЖ
## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги "Тошкент шаҳар аҳолисини уй-жой ва коммунал шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 209-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 29 июлдаги 590-сонли қарорига асосан қуйидаги давлат активлари очиқ аукцион савдосига қўйилади:**

**1.** Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлиги тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчасида жойлашган умумий майдони 2194 кв. метрга тенг бўлган қурилиши тугалланмаган ошхона биноси. Бошланғич баҳоси 1 404 154 739 сўм. Минимал закалат пули қиймати 210 623 211 сўм.

**2.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Пойтахт-Агро" давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ифтихор (Гв.пол.Ходжаев) кўчаси, 1-уйда жойлашган умумий майдони 3604 кв. метрга тенг бўлган бино ва иссиқхона иншооти. Бошланғич баҳоси 805 159 100 сўм. Минимал закалат пули қиймати 120 773 865 сўм.

**Аукцион савдолари 2014 йил 4 февраль куни соат 11:00да** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртномалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртномаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 3 февраль соат 16:00да.

Ушбу кунда сотилмай қолган ва аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган давлат активларининг такрорий аукцион савдолари 2014 йил 11, 18 ҳамда 25 февраль кунлари соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10, 17 ҳамда 24 февраль кунлари соат 16:00да.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Realtor" МЧЖнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО-01041, СТИР-302 269 399, 20 208 000 804 975 228 001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:** 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси 15-уй. "Universal Realtor" МЧЖ. Телефон: 150-35-55 Факс: 236-26-65 www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru

Лицензия RR-0127.

**Хизматлар лицензияланган**

## «Хоразм универсал аукцион инвест» МЧЖда аукцион савдолари орқали сотилган автотранспорт воситалари тўғрисидаги МАЪЛУМОТЛАР

Хоразм вилоят прокуратурасига тегишли "ВАЗ-21074045" русумли давлат белгиси 90/508ААА автомашина 7 153 000 сўм, Хива туман Газчилар маҳалласи 75454 Ҳарбий қисмга тегишли ВАЗ-2106 русумли давлат белгиси 22МХ5425 автомашина 3 420 000 сўм, Давлат божхона қўмитаси Хоразм вилоят бошқармасига тегишли "Нексия" русумли, давлат белгиси 90/503САА автомашина 8 400000 сўм, "Нексия" русумли, давлат белгиси 90/508САА автомашина 8 700 000 сўм, "Дамас" русумли, давлат белгиси 90/519 САА автомашина 7 100 000 сўм, Шовот туман тиббиёт бирлашмасига тегишли "ГАЗ-53Д" русумли, давлат белгиси 22АІ083 автомашина 2940000 сўм, "ГАЗ-31029" русумли, давлат белгиси 901/03 JAA автомашина 2 420 000 сўм, "Дамас" русумли, давлат белгиси 22 AD061 автомашина 3 300 000 сўм, "УАЗ-3962" русумли, давлат белгиси 22АІ089 автомашина 2 600 000 сўм. Хива туман Хива молия бўлимига тегишли "Дамас" русумли, давлат белгиси 90/317 JAA автомашина 3 600 000 сўм,

Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги телефон орқали маълумот олишингиз мумкин: +99891 994 77 71. Гувоҳнома № 50700.

**Хизматлар лицензияланган**

## ТУЗАТИШ:

"Huquq" газетасининг 2013 йил 26 декабрдаги 52(885)-сонида чоп этилган "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан берилган хабарномадаги VIII-банди чиқариб ташлансин.

**Хизматлар лицензияланган**

# Халқ фаровонлигини кўзлаб



***Иқтисодий тараққиётга эришишда банкларнинг аҳамияти беқиёслиги бугун ҳаммага маълум. Шу боис мамлакатимизда ҳар бир соҳада, шу жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, оилалар фаровонлигини оширишда уларнинг молиявий кўмагига таянилган ҳолда иш олиб борилаётганлиги халқ фаровонлигининг ошишида ютуқлар омили бўлмоқда. Хусусан, Давлат тижорат «Халқ банки»нинг Андижон вилоят филиали томонидан ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Жумладан, Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Чинобод шаҳарчаси аҳолиси ўзининг тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Шулардан бири ёш чевар Феруза Ваҳобова Давлат тижорат "Халқ банки" туман филиалидан 10 миллион сўм кредит олиб, уй шароитида аёллар кўйлаги ва пардалар тикишни йўлга қўйди. Ўзида мавжуд тикув машинасига қўшимча 4 дона "Чайка" тикув машинаси ва 2 та оверлок сотиб олиб, шогирдларни ёнига чорлади.

— Авваллари бир неча бор истеъмол кредити ҳисобига мебель, телевизор каби буюмлар олган эдик, — дейди унинг турмуш ўртоғи Дилшодбек Ваҳобов. — Шу сабаб банк ходимларига ниятларимизни айтганимизда улар ёрдамга келдилар. Қисқа фурсатда бизнес режа ишлаб чиқиш, керакли ҳужжатларни расмийлаштиришга яқиндан ёрдам бердилар. Ишлар юришиб кетди. Тўрт нафар коллеж битирувчиларини қабул қилдик. Май ойида тикувчиликни йўлга қўйган бўлсак, бугунга келиб кредитни қайтармоқдамиз. Ҳозирча уй шароитида меҳнат қилаётган бўлсак, кейинги мақсадимиз яна кредит олиб, 20-25 кишига мўлжалланган алоҳида тикувчилик цехи қуриш.

Ҳа, бу каби тадбиркорлар нафақат Чинобод, балки бутун вилоятда кўплаб топилади. Мебелсоз Бобиржон Маҳамметов ҳам кўпдан буён тадбиркорликни режалаштириб юрган эди.

— Аҳоли даромадларининг кўпайиши, турмуш маданиятининг юксалиши, янги-янги турар жойларнинг қурилиши уй жиҳозларига бўлган талабни оширди, — дейди Бобуржон. — Шундан бир неча йил муқаддам "Сапфир бизнес элит" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдим. 2011 йилда "Халқ банки"нинг Андижон шаҳар филиали имтиёзли шартлар асосида 40 миллион сўм кредит берди.

Хитой давлатининг Урумчи шаҳридаги мебель фабрикасига бориб, янги технологиялар билан танишдим ва ускуналар сотиб олдим. 4-5 турдаги замонавий ётоқхона, ошхона гарнитурлари, офислар учун мебеллар ишлаб чиқармоқдамиз. Банкнинг менга яратган яна бир қулайлиги — истеъмол кредити олаётган (асосан ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари)ларга менинг маҳсулотимга харидор бўлишни тавсия этадилар. Мижозлар ютуғи бизнинг мебелларнинг арзонлигидадир.

Тадбиркор 2012 йилда кредитни тўла қайтариб бўлиб, жорий йилда 89 миллион сўм миқдоридаги янги кредитни расмийлаштирди. Ҳозирда цехни қайта қуриб, ишчилар учун барча шароитлар яратилмоқда. Б.Маҳамметов келажакда хитойлик ҳамкорлари билан манфаатли шартнома имзолашни ният қилган. Режалари амалга ошган тақдирда коллеж битирувчилари учун қўшимча иш ўринлари яратилади.

Хўжаобод тумани ҳам вилоятнинг жадал ривожланаётган ҳудудларидан ҳисобланади. Кейинги бир неча йил давомида амалга оширилган кенг кўламли қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари натижасида туман марказида ўнлаб янги хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, савдо корхоналари, ишлаб чиқариш объектлари барпо этилди. Тадбиркорлар учун имкониятлар кенгайди. Шуларни инобатга олиб, ёш тадбиркор "Фаровон диёр шодлиги" масъулияти чекланган жамият раҳбари Фарруҳ Убайдуллаев "Халқ банки" Хўжаобод тумани филиалидан 100 миллион сўм кредит олди. 3 та иш ўрни яратди. Ҳисоб-китоб пухта бўлганлиги боис кредитни қисқа фурсатда қайтаришга муваффақ бўлди.

— Банк ходимлари билан ҳар қандай масалани ижобий ҳал этиб келамиз, — дейди тадбиркор. — Улар керакли маслаҳатларни бериш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришга ёрдам берадилар. Ҳозирда ҳам "Озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни кенгайтириш" лойиҳаси устида ишладик. Энди 200 миллион сўм кредит олиш арафасидаман. Уни ҳам бир йил мобайнида қайтариш имконияти мавжуд.

Банкнинг туман филиали кредит бўлими бошлиғи Машҳурбек Эргашевнинг таъкидлашича, савдо соҳасига ажратилаётган кредитлар тез қайтарилиш ва нақд пул тушумини кўпайтириш имкониятини яратади. Бундан ташқари, коллеж битирувчиларига имтиёзли равишда кредит маблағлари тақдим этилиши ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, шу йилнинг ўзида коллеж битирувчиларидан Дилафруз Аббосовага чорвачиликни ривожлантириш учун 3 миллион сўм, савдо-сотиқ фаолиятини йўлга қўйиш учун Авазбек Мўминовга 18 миллион сўм маблағ берилди.

Ушбу сиёсат барча шаҳар ва туман филиалларида изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида "Халқ банки" Андижон вилоят филиали томонидан жорий йилда 1529,9 миллион сўм кредит ажратилди.

— Кредит портфелини таҳлил қиладиган бўлсак, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига ушбу маблағ 67948,8 миллион сўмга етди, — дейди "Халқ банки" Андижон вилоят филиали бошлиғи ўринбосари Равшанбек Юнусов. — Шундан соҳалар бўйича тақсимланганда 6860,6 миллион сўм савдо, 3467,8 миллион сўм саноат, 16557,6 миллион сўм қишлоқ хўжалиги, 1543,2 миллион сўм қурилиш йўналишидаги лойиҳаларга ажратилди. 22344,5 миллион сўм миқдоридаги қолган маблағ бошқа соҳаларга ажратилди. Мижозларимизнинг кредит ресурслардан самарали фойдаланишлари натижасида йил бошидан буён 947 та иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 595-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги "Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида Андижон вилояти бўйича 2013 йил 1 декабрь ҳолатига жами 31 810 та корхона ва ташкилотлар томонидан 685 882 та фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи очилган. Бундан ташқари, тизимда ихтиёрийлик асосида қатнашиб келаётган фуқаролар томонидан жалб қилинган ихтиёрий маблағлар қолдиғи 953,0 миллион сўмни ташкил этади.

Мухтасар қилиб айтганда, Юртбошимиз томонидан мамлакатимиздаги тадбиркорлар, ишбилармонлар, ёшлар ва ёш оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Андижон вилоят филиали томонидан амалга оширилаётган ана шундай эзгу ишлар мисолида яққол намоён бўлмоқда. [t]

**Банк матбуот хизмати**

# Ишончли ҳамкор муваффақиятлар гаровидир

Республикамизда Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари ривожи учун чексиз имкониятлар яратилган бўлиб, улар томонидан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Иқтисодиётимизнинг юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги, мамлакатимиз бозорларига турли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлиб бораётганлиги ҳамда республикамиз аҳолисининг турмуш фаровонлиги кундан-кунга яхшиланиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорларга товарлар ва хизматлар етказиб беришда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ниҳоятда кучли рақобатни кузатишимиз мумкин. Айниқса, жадал суръатларда ривожланиб бораётган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг негизига айланиб бормоқда.

Биз ҳам сутни қайта ишлаб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида "Yangiyo'l Pishloq Sanoat" хусусий корхонасини ташкил қилдик. Корхонамиз 2009 йилда ташкил қилиниб, ҳисоб рақамимизни "Асака" банк Тошкент вилоят филиалида очиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик. Корхонамиз фаолиятининг барқарор йўлга қўйилишига биринчидан, биз тадбиркорларга республикамизда қулай шароитлар яратилгани бўлса, иккинчидан, биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган талабни кундан-кунга ошиб бориши сабаб бўлмоқда.

Корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантиришни мақсад қилдик ҳамда мақсадимизни амалга ошириш мақсадида "Асака" банк Тошкент вилоят филиалига тегишли ҳужжатларни тақдим қилдик. Банк мутахассислари томонидан биз тақдим қилган бизнес режамиз истиқболли деб топилиб, қисқа муддатда корхонамизга кредит ажратиш бўйича ижобий қарор чиқарилди. Эътиборлиси шундаки, банк ходимларининг ўз ишининг устаси эканлиги, лойиҳамизни амалга оширишда ўзларининг малакали таклифлари ва маслаҳатларини берганликлари лойиҳамизнинг амалга ошиш жараёнини янада тезлаштириб юборди.

Банкдан олинган кредит ҳисобига сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга оширдик, маҳсулот турларини кўпайтиришга эришдик. Шу билан бирга, янги лойиҳамиз натижасида 6 та янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 220 млн. сўмга яқин юқори сифатли пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотлари ишлаб чиқардик ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига етказдик. Келгусида йилига 400 млн. сўмдан зиёд миқдорда аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳолига етказишни мақсад қилганмиз.

Бизнинг бундай муваффақиятга эришишимизда "Асака" банкининг кўмаги юқори эканлигини таъкидлашимиз лозим. Биз "Асака" банкда ҳисоб рақамимизни очиб янглишмаганлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик ва банк хизматларидан миннатдормиз. Корхонамизнинг фаолият юритишида "Асака" банк кўмагида бундан-да истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга бел боғлаганмиз. [t]

**Матрасул ҒОЙИБОВ,**
"Yangi yo'l Pishloq Sanoat"
хусусий корхонаси раҳбари

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Huquq» газетаси жамоаси таҳририят бўлим муҳаррири Ғофиржон Алимовга укаси
**Комилжон АЛИМОВ**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳамда Самарқанд вилоят прокуратураси жамоалари прокуратура фахрийси
**Ҳайдар ИСЛОМОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Самарқанд вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Рустам Исломовга отаси
**Ҳайдар ота**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Huquq**
yuridik gazeta
Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
*Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV, Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Kamoliddin ASQAROV *(mas'ul kotib v.b.)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[t] – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-8872. 49 811 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O`.DEHQONOV
Sahifalovchi: S.BOBOJONOV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

# Юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида

MIKROKREDITBANK

***Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси барқарор ва ишончли микромолиявий ташкилот сифатида юртимиз молия бозорида фаолият юритиб келмоқда.***

Банк "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида қизғин фаолият олиб борди. Хусусан, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда аёлларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён этиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, сифатини ошириш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ишини яхшилаш мақсадида "Обод турмуш йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари доирасида "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг ўтган ойлари давомида жами 490 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Хусусан, кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори 234 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, банк томонидан биргина кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳисобидан юз мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Ҳақиқатдан ҳам, ўтиб бораётган "Обод турмуш йили" "Микрокредитбанк" учун ниҳоятда самарали йил бўлди, деб айтишимиз мумкин. Банк асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш борасида салмоқли натижаларга эришди. Хусусан, банк томонидан кредитлар ажратиш кўлами ҳам барқарор ўсиб борди.

Давлатимиз томонидан таълим муассасалари битирувчиларининг эгаллаган билим ва касб-ҳунар кўникмаларини ҳаётда қўллаш, уларга доимо ёрдам кўрсатишга эътибор қаратиб келинади. Хусусан, 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш жойлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 500 мингдан зиёд ёш йигит-қизларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бу каби эзгу ишларга молия муассасалари, хусусан, "Микрокредитбанк" ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган, бугунги кунда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий "BankExpo-2013" кўргазмасида "Микрокредитбанк" танлов натижаларига кўра "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" дея эътироф этилгани ҳам фикримиз исботидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технология ва инновацион лойиҳаларни, чекка туманларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилаяпти. Айни пайтда банк томонидан ёш тадбиркорларига 37,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида 2014 йилда ҳам вилоятлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Булардан кўриниб турибдики, "Микрокредитбанк" бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян тажрибага ҳамда молия бозорида ўз ўрнига эга. Банк 2014 йилда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда, "Соғлом бола йили" Давлат дастурини муваффақиятли амалга оширишда, ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуришда, юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишларда муносиб иштирок этади.

**Банк матбуот хизмати**


ASAKA BANK

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**«Асака» банк (ОАЖ) жамоаси**

**Сизларни кириб келган янги — 2014 йил билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.**

## «ЯНГИ ЙИЛ 2014»

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.**

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- ☑ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ☑ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ☑ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ☑ миқдори чекланмаган.

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган